

қўйиш. Яъни солиқ органи ва банк ўртасида солиқ тўловчи ҳисобот даврида банк оборотига эга ёки эга эмаслиги бўйича ахборот алмашишни йўлга қўйиш лозим (амалда Банк сирига амал қилган ҳолда солиқ тўловчининг обороти суммаси эмас, фақатгина оборотга эгами ёки йўқлиги белгиси тақдим этилади). Ушбу маълумотдан келиб чиқиб, тегишли солиқ даврида банк айланмасини амалга оширган солиқ тўловчиларни айланмага тааллуқли солиқлар бўйича ҳисобот топшириш мажбуриятидан озод этиш.

2. Солиқ ҳисботини топшириш жараёнига ҳисбет бўйича ҳисбланган солиқ суммасини автомат тарзда солиқ тўловчининг банк ҳисб рақамидан ундириш бўйича оферта жойлаштириш. Агар солиқ тўловчи ушбу офертани қабул қиласидиган бўлса, унинг ҳисб рақамидан солиқларни ундириш.

3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ресурс солиқлари бўйича ҳисбет топшириш жараёнини автоматлаштириш. Яъни солиқ органи ва ресурс солиги обьектлари ҳисбени юритувчи ташкилотлар, жумладан, Кадастр агентлиги, "Сувсоз" корхонаси каби ташкилотлардан солиқ тўловчиларнинг обьектлари ва уларнинг миқдори тўғрисида маълумотларни олиб, солиқ ҳисботи билан интеграция қилиш.

4. Онлайн назорат касса машиналари орқали шакллантирилган чеклар бўйича ўтказилаётган ютуқли ўйинларнинг ўрнига, ҚҚС суммаси ҳисбидан CASHBACK тизимини йўлга қўйиш. Бунга сабаб бугунги кунда ютуқли ўйинлар орқали саноқли харидорлар тақдирланмоқда. CASHBACK тизими эса барчага хариди миқдоридан маълум суммани чегириш имконини беради ва барчани бирдек рағбатлантиради.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Artemenko D.A., Aguzarova L.A., Aguzarova F.S., Porollo E.V. (2017) "Causes of Tax Risks and Ways to Reduce Them". Pages 454-458.
2. OECD (2020), "Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration". Pages 10-24.
3. Кодекс (2019). Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. / Code (2019) Tax Code of the Republic of Uzbekistan in the new edition.
4. Фармон (2020). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-6098-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2020 No PD-6098 "On organizational measures to reduce the shadow economy and increase the efficiency of tax authorities". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Қарор (2010). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-1257-сон. / Resolution (2010) No. PR-1257 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 8, 2010 "On measures to further modernize the system of tax authorities of the Republic". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. Қарор (2012). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1843-сон. / Resolution (2012) No. PR-1843 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2012 "On measures to further increase the efficiency of the information and communication system of the state tax service of the Republic of Uzbekistan". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



### ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ РАҶОБАТ МУҲИТИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Холбаев Санжар Илхомович

Гулистон давлат университети  
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss2/a3](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a3)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётидаги раҷобат муҳитининг моҳияти ва унинг шаклланишида амалга ошириладиган иқтисодий чора-тадбирларнинг аҳамияти, бозор иқтисодиётидаги иқтисодий ривожланиши ўйналишларини белгиловчи имтиёз ва преференцияларнинг натижадорлиги ва ривожлантириши дастурларидаги устувор тамоилилар халқаро тажриба асосида тадқиқ этилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг жорий босқичида раҷобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ўрганилган.

**Калим сўзлар:** раҷобат, раҷобат муҳитининг шаклланиши, раҷобатбардошлиқ, иқтисодий чора-тадбирлар, имтиёзлар, субсидия, иқтисодий ривожлантириши дастури.

## ЗНАЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ В ФОРМИРОВАНИИ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ

**Холбаев Санжар Ильхомович**

*Гулистанский государственный университет*

*Преподаватель кафедры "Экономика"*

**Аннотация.** В данной статье были исследовано сущность конкурентной среды в экономике страны и значение экономических реформ в ее формировании, эффективность льготы и переференций, определяющих экономические направления развития в рыночной экономике и приоритетные принципы программы развития на основе международного опыта. Также, реформы направлены на развитие конкурентной среды в текущей стадии прогресса экономики Узбекистана изучены.

**Ключевые слова:** конкуренция, формирование конкурентной среды, конкурентоспособность, экономические меры, переференция, субсидия, программа экономического развития.

### THE IMPORTANCE OF ECONOMIC MEASURES IN FORMING COMPETITIVE ENVIRONMENT

***Kholbayev Sanzhar Ilhamovich***

*Gulistan State University*

*Lecturer of the Department of Economics*

**Abstract.** The article has been conducted a meaning of competitive environment in the state economy and the importance of economic measures implemented to its forming, as well as effectiveness of subsidies and preferences which is set the economic development directions in market economy and priority principles of development programs. Moreover, the reforms directed to development of competitive environment in the current progress stage of Uzbekistan economy were studied.

**Keywords:** competition, forming competitive environment, competitiveness, economic measures, preferences, subsidy, economic development program.

**Кириш.** Иқтисодиётда рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорликни ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган имтёзларни тақдим этишни тартибга солиш чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Халқаро иқтисодиётда молиявий-иқтисодий инқизордан кейинги миллийлаштириш ва протекционизм, COVID-19 пандемияси сабабли иқтисодиётга давлат аралашувининг ортиши, пировардидаги халқаро савдо шартларининг мураккаблашуви шароитида маҳаллий ва халқаро бозорларда рақобат муҳитини таъминлаш миллий иқтисодиётлар учун устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

Шу ўринда рақобат бозор иқтисодиёти субъектларининг маълум қонуниятга асосланган муносабатларини англатса, иқтисодиёт ривожланишининг хусусиятларидан келиб чиқиб, рақобат назариялари тадрижий ривожланган, дейишимиз мумкин.

**Тадқиқот методологияси** сифатида илмий билишнинг абстракция, иқтисодий

таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, статистика методларидан фойдаланилди.

**Илмий адабиётлар шарҳи.** Рақобатнинг функционал ёндашувдаги замонавий иқтисодий назариялар пойдевори сифатида рақобатнинг мазмуни ҳамда унинг мукаммал рақобат, монополистик рақобат, олигополия, соғ монополия каби классик моделларнинг назарий асослари ва уни ҳаракатга келтирувчилари ҳақида умумий тасаввурлар шаклланган [1].

Хусусан, П.Макналти ўзидан олдинги иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган мукаммал рақобат тушунчасининг эволюциясини тадқиқ этиб, илмий полемиканинг жавоби бозор тузилмаси сифатидаги рақобат билан бихевиористик рақобат орасидаги фарқда деб билади. Бу фарқ илгарироқ Адам Смит ва ўтмишдошлари қўллаган рақобат тушунчаси билан XIX-XX асрнинг назарийётчилари томонидан ривожлантирилган ва тақомиллаштирилган мукаммал рақобат концепцияси орасида яратилган деб хулоса қиласиди [2].

Ж.Шумпетер (1883-1950) ўша даврда иқтисодчилар орасида оммалашган формал бўлган, нореал рақобат тушунчасини танқид қилиб, мукаммал рақобат ҳеч қачон мавжуд бўлмаганлиги, унинг қачондир мавжуд бўлиши иқтисодиёт учун зарарли бўлишини айтади. Монополистик амалиётларни тадқиқот харажатларига ва йирик инвестицияларга кўмаклашгани учун фойдали деб ҳисоблайди [3].

**Ж.Барни саноат тармоғини ташкил қилиш** (Майсон, 1939 й. ва Баин, 1956 й.; Портер, 1980), **Чемберлин** (1933) ва **Шумпетер** (1939) рақобат назарияларининг яхлит тизимли таҳлилида юқоридаги рақобат ҳолатларида фирмаларга таъсир қилиши мумкин бўлган рақобат кучларининг хусусиятларини ҳамда меъёрий стратегия назарияларининг натижаларини муҳокама қилган. Бунда рақобатнинг саноат иқтисодиёти, Чемберлин ҳамда Шумпетер турларида мос равища саноат, саноат/фирма ҳамда саноат/иқтисодиёт тадқиқот обьекти бўлганидек, назарияларининг асоси тегишлича саноат тузимаси, хулқ-атвори, фаолияти; турли хилдаги фирмалар орасидаги монополистик рақобат; ижодий қайта қуриш ҳисобланади. Фирмалар даромадлари рақобатнинг саноат иқтисодиётида кириш тўсиқларининг юқорилиги, фирмаларнинг сони камайиши, маҳсулот дифференциацияси ошиши, талаб эластиклигининг камайиши ортидан юқорироқ бўлса, Чемберлин рақобатида эса фирмаларнинг ўзига хос активлари (технологик ютуқлари, репута-цияси, бренди, коворкинг), малака ва фарқли компетенцияси га кўра стратегиясини аниқлаштиrsa, Шумпетернинг технологик ва бозорга асосланган рақобатида баъзи фирма-ларнинг саноатнинг инқилобий ўзгаришлари манбаи бўлган ноёб кўникмалари, бошқаларининг тез мослашиш қобилияти муҳим саналади [4].

Ф.Хайек (1899-1992) ҳам неоклассик иқтисодчиларнинг мукаммал рақобат назариясининг имконсизлиги туфайли танқид қилиб, рақобат табиатига кўра динамик жараён эканлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари статик таҳлил асосидаги фаразлар билан йўққа чиқарилиши тўғрисида хulosा қилади. Рақобат ягона бозор ҳақида тасаввур қилганимизда, ахборот тарқатиш орқали иқтисодий тизимнинг яхлитлиги ва мувофиқлигини ташкил қилиши натижасида фикрни шакллантириш жараёни ҳисобланади [5].

Ш.Хант ва Р.Морган томонидан таклиф қилинган “Рақобатнинг қиёсий устунлик наза-

рияси”да бозор иқтисодиётида рақобатчилардан фарқлиликни неоклассикларнинг мукаммал рақобат назариясидан кўра яхшироқ тушунтириши ҳақида хulosा қилинади. Рақобатнинг қиёсий устунлик назарияси ресурслардаги қиёсий устунлик, бозордаги позицияда рақобат устунлигига эга бўлиш натижасида микродаражада юқори молиявий натижага ва макродаражада юқори сифат, самарадорлик ва инновацияга эришишни тушунтиради. Чунки бу назария неоклассикларнинг узоқ муддатли мутаносиблик тартибида асосланиши бозор иқтисодиётларида катта миқдордаги ортиқчаликни кўрсатиб бермоқда. Мазкур назария ташкилий қобилият, билим ва компетенция каби номоддий ресурсларни кенгайтирумояд. Бундай юқори тартиб-тамойил ва мураккаб ресурслар замонавий иқтисодиёт учун жуда муҳим деб ҳисобланган [6].

Р.А.Фатхутдинов (2005 й.) товар айланмасининг умумий шартларига хўжалик субъектларининг мустақил ҳаракати натижасида бир томонлама таъсир имкониятини самарали чеклашдаги беллашувни рақобат дейди. Шунингдек, у рақобат - субъектлар томонидан ўзларининг рақобат устунликлари ва бошқарилаётган объектнинг устунликларини стратегик ва амалий реализация ёки бошқа максадларга эришиш учун бошқарилиш жараёни деб таърифлайди [7].

Оксфорд луғатларида рақобат муҳити сотув тармоқлари, таъминотчилар, рақобатчилар, сотувчилар, нархлаш методлари, реклама қилиш ва бошқалар мавжуд бўлган маълум бозорда компанияларнинг қандай рақобатлашишини тасвирлайди. Рақобат муҳити рақобатлашаётган компаниялар “беш кучлари”га кўра қандай позицияни эгаллашини аниқлайди [8].

Н.И.Усик рақобат муҳитини бозор муносабатларининг субъектлари фаолиятини координациялашнинг институтционал шартлари сифатида таърифлаб, рақобат сиёсати рақобат қонунчилиги ва рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидан иборат эканлигини таъкидлайди [9]. Ушбу таъриф рақобат муҳитининг институтларни ташкил этиш ва ўзгартириш асосида фаолият юритиши ва шаклланишининг директив эмас, демократик механизмларини ифодалайди. Демак, бунга кўра рақобат муҳитининг мазмуни рақобат механизмини таъминлашдан, таркиби иқтисодий координация тизимида бизнес юритишнинг тартиби ва қоидаларидан, рақобатни намоён қилиш шакли иқтисодий координация тизимидан иборат. Изланишлар рақобат механизми ўрнига

иқтисодий координация тизими шаклланганлигини англатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июлда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги Қонунида: “Рақобат хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди”, – деб таъриф берилган. Шунингдек, мазкур Қонунда: “Инсофсиз рақобат – хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонунчиликка, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари”, – сифатида шарҳланган [10].

Н.Сирахиддинов Ўзбекистон шароитида рақобат муҳитини шакллантириш ва унинг устунликларидан иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва халқ фаровонлигини ошириш мақсадида самарали фойдаланишга тўхталиб, бу иқтисодиётни монополиядан чиқариш, корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш, монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш, ташқи савдо режимини ислоҳ қилиш ва бизнес юритишга teng ҳуқуқли шароит яратиш каби муҳим ислоҳотлар кўламини кенгайтиришга комплекс ёндашув талаб қилиншини таъкидлайди [11].

Рақобат ва рақобатбардошлик орасидағи боғлиқликни соддалаштириб, рақобатбардошликни товар ва хизматлар бозорида синалган яширин рақобат имконияти дейиш мумкин. Рақобат муҳити – бозор иқтисодиёти акторларининг юқори нафлийкка эришиш мақсадидаги рақобат устунликларига кўра ёки уларни ривожлантириш фаолияти учун миллий иқтисодиётнинг имконият, шароит даражаси.

#### **Таҳлил ва натижалар мухомаси.**

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун реал рақобат муҳитини Жаҳон савдо ташкилоти, Европа Иттифоқи ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи

билан ҳамкорликнинг мустаҳланишини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш зарурати алоҳида қайд этилмоқда.

Бироқ барча давлатлар қайсиdir даражада субсидия тақдим этиш, давлат эгалигидаги ёки назоратидаги корхоналарни юритиш, маҳаллий иштирокчиларга кўмак-лашадиган давлат хариdi сиёсати, савдо чоралари ўлчовидан ёки инвестицияни фильтрлаш режимидан фойдаланиш (саноат сиёсати инструментлари) воситасида ўз иқтисодиётларига аралашувни амалга оширади.

Рақобатни ривожлантиришда иқтисодиётга давлат аралашуви имтиёз ва эксклюзив ҳуқуқларни тақдим этиш, давлат харажатлари ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Давлат томонидан алоҳида шахсларга бирор солиқ имтиёзлари, преференция ёки устунликларни, товар ва молия бозорида фаолият юритадиган хўжаликларга нисбатан устун мавқега келтирадиган лицензияга доир ҳуқуқларнинг тақдим этилиши рақобат тамойилларининг дарз кетишига сабаб бўлади. Бундай амалиёт қўпчилик жаҳон хўжалиги қонунчиликларида, хусусан, миллий хўжалигимизда ҳам тақиқланган чора ҳисобланади.

Тақдим этиладиган имтиёзли чора-тадбирларнинг рақобат тамойилларининг умумқабул қилинган тамойиллари доирасида бўлиши жуда долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан қўпчилик мамлакатларда тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар давомли равища самарадорлик ва натижадорликка нисбатан баҳоланади.

Халқаро савдо ва инвестиция қоидалари ушбу аралашувларнинг бошқа бозорларга тарқалиш эффектини, легитим манфаатларни мувозанатлашни бошқаришга ҳаракат қиласи. Мамлакатлар орасида қайсиdir даражадаги халқаро қоидалар ушбу аралашувларни тартибга солиши кераклигига оид тортишувлар давомли савдо зиддиятларининг манбай бўлиб қолмоқда.

Барча ҳукуматлар иқтисодиётга аралашувларини оширган бир пайтда COVID-19 пандемияси ва иқтисодий тикланиш, муҳим таъминот занжирларини ёки атроф-муҳитини сақлаш контекстида ривожланаётган ва кам ривожланган давлатлар муаммоларини ҳам ҳисобга олиши керак бўлган мазкур қоидаларни янгилаш ҳақидаги мувозанатлашган, инклиюзив мулоқот қилиш имконияти юзага келди.


Иқтисодиётларда кучли рационал саноат сиёсати ёндашувлари, жумладан, унум-

дорлик ошишини сақлаб қолиш, диверсификация, инклузив ривожланиш, иш ўринларини яратиши, яшил иқтисодиётга ўтиш ва бозор хатоликлари ва мутлақ четланишларни түғрилаш учун давлат аралашувлари, ҳатто, ташқаридаги инқирозга қарамасдан, содир бўлди. Давлат аралашуви ривожланиш даражаси, манфаатлар ва давлатларнинг ресурс салоҳиятига кўра турли даражада шаклда бўлишига қарамасдан, барча давлатларга хос бўлганлиги учун халқаро қоидалар ушбу аралашувнинг зарарли тарқалиш эфектини камайтиришига қаратилган бўлиши керак.

Динамик фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган саноат сиёсати реструктуризация, диверсификация ва технологик динамизмни қўллаб-қувватлаш мақсадида бозор-

рақобат кучлари ва уларнинг ресурсларини жойлаштириш самарасини ҳам кучайтириш ҳам унга қарши ҳаракат қилишни назарда тутади. Бунда жуда идеологик позиция бўлган назорат қилинмайдиган рақобат кучлари ва ҳаддан ортиқ интервенцион давлат режалаштириши орасидаги ўртача қатлам юзага келди.

XX асрнинг иккинчи ярмида бошланган иқтисодиётни глобал эркинлаштириш сўнгги декада мобайнида халқаро савдо аренасида кўпроқ давлат аралашуви ва протекционизм билан алмашиб, The Global Trade Alert ҳисоботларига кўра, 2008 йилнинг ноябридан глобал миқёсда 32500 дан ортиқ протекционизм сиёсати аралашуви жорий қилиниб, 6900 та савдони либераллаштиришга оид иқтисодий аралашувлардан ошиб кетди (1-расм).



**1-расм. Протекционизм ва либерализация**

**Манба:** *Industrial Policy and International Competition: Trade and Investment Perspectives*, WEF 2022. Page 6.

The Global Trade Alertning 2021 йилдаги маълумотларининг диаграмма таҳлилидан протекционизм ва либерализм сиёсати аралашувларининг инструментларини худудий савдони ҳимояловчи чоралар, субсидиялар, савдога оид инвестиция чоралари, давлат харидларини чеклаш, экспортга оид чоралар (субсидиялаш) каби “қаттиқ чора-тадбирлар” ва ТТХИ, миграция, таъриф чоралари, лицензия (квота) каби “юмшоқ чора-тадбирлар”га ажратиш мумкин [12].

Жаҳон савдо ташкилотига кўра, субсидия – жисмоний ва юридик шахсларга фойдаларини қоплашлари учун ҳукумат ёки хусусий сектор томонидан тақдим этиладиган молиявий қўмак. Субсидиялар бевосита тўйловлар, солиқ имтиёzlари ёки чегирмалари, маҳсулотлар ва хомашё нархларини ишлаб чиқарувчи

фойдасига назорат қилиш ва бошқа шаклларда берилади.

ИҲРТ субсидияни қиймат занжири контекстида тушуниш кераклигини таъкидлаб, иқтисодиётнинг юқори бўғинига кўрсатилган қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқаришнинг куйи қисмига ёйилишини назарда тутади. Субсидияларни тақдим этишдаги четланишлар қишлоқ хўжалиги, қазилма ёқилғи, балиқчилик, алюмин ишлаб чиқариш, яримўтказгичлар соҳасида кузатилади. Глобал энергия соҳасига тақдим этилган субсидиялар атрофмуҳит харажатини кўрсатиб, 2015 йилда 5.3 триллион долл. ни ёки 6.5 % глобал ЯИМни ташкил этди. Бу субсидияларнинг кўп миқдори 2.3 триллион долл. Хитойга, 700 млрд. долл. АҚШга, 300 млрд. доллардан Россия ва

Хиндистоннинг ҳар бири ҳисобига тўғри келади [13].

Бундан ташқари экспорт компаниялари, одатда, сотов харажатларини қоплаш ва денгиз узра бозорларга товарлар ва хизматларни хавфсиз етказиш учун кафолат ёки суғурта ва қарзга муҳтоҷ бўлади. Хитой жаҳонда 2019 йил энг йирик миқдордаги 33.5 млрд. доллар ўрта ва узоқ муддатли экспорт кредитларни тақдим этган, ундан сўнг Италия ва Германия 11 млрд. доллардан тақдим этган.

Субсидиялар маҳаллий ва халқаро бозорларнинг нормадан четланиши ва бозорга киришни аниқлагани учун халқаро савдо қоидалари билан белгиланади. Аммо Жаҳон савдо ташкилотининг субсидия тақдим этиш тартиби GATT (the General Agreement on Tariffs and Trade), SCM Agreement (the Agreement on Subsidies and Countervailing Measures) ва AoA (the Agreement on Agriculture) шартномаларида белгиланганига қарамасдан, тузилганидан бўён янгиланмаган. Жаҳон савдо ташкилоти-

нинг SCM келишуви барча аъзолардан товарлар секторига тақдим этган ихтисослашган субсидияларини ҳар уч йилда янги ва тўлиқ хабордор қилишни талаб этади. ЖСТ аъзорлари бирор-бир субсидиялар тақдим этмаганликларини манфаатлар шаффофлигига кўрсатиши керак. Хабардор этиш қонунийлик статусини бермайди. Афсуски, ЖСТ аъзолари кўпайган сари хабардор этмаслик ошиб бормоқда. Евropa Иттифоқи давлат ёрдами қоидалари, умуман, аъзо мамлакатларнинг иттифоқи худудидаги савдо ва рақобатни чеклаш билан таҳдид қиласиган чораларини ҳудудий иқтисодий ривожланиш, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишни истисно қиласиган ҳолда тартибга солади. Евropa комиссиясининг давлат кўмагини ўрганиш, баҳолаш ва ноқонуний ҳолатда бекор қилишда аҳамиятли ваколати мавжуд бўлиб, аъзо давлатларнинг экспортни ўрта ва узоқ муддатли молиялаштиришига татбиқ этилмайди.

## 1-жадвал

### Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг субсидия қоидалари

Ноқишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Хизматлар
<p>SCM Agreement келишуви субсидияланган импорт маҳсулотларининг салбий таъсириларини қоплаш учун ишлатиладиган субсидия ва компенсациядан фойдаланишини тартибга солади. Маълум бир саноат соҳаси, компания ва уларнинг гурухлари ҳамда алоҳида ҳудудга тақдим этилган субсидия ноҳалол савдони тартибга солиш субъекти сифатида қаралади. Экспортга ёки маҳаллий компонентдан фойдаланишга таъсири қиласиган субсидиялар тақиқланган.</p> <p>Мазкур келишувнинг 8-моддасида тадқиқот фаолиятига, афзалликка эга бўлмаган ҳудудларга ва янги муҳит талабларига мавжуд имкониятларни мослаштиришга тақдим этиладиган баъзи, бугунги кунга келиб ўз кучини йўқотиб бораётган субсидияларга рухсат берилган.</p> <p>“Яхши” субсидиялар сифатида эътироф этишда ишламайдиган субсидиялар рўйхатини қайта кўриб чиқиб, ҳукумат молиялаштиришини бозор хатоликларини тўғрилашга йўналтириш зарур. Бунда субсидиялар маҳсулотларнинг нархларини ижтимоий оптималь даражага олиб келишини ва хусусий сектор асосли инвестиция, қарз ва бошқа молиявий кўмакка эга бўлишини, умумий жамият нуқтаси назаридан баҳолайдиган мезонни ривожлантиришни талаб этади.</p> <p>Субсидияларни, айниқса, савдо ва инвестициянинг четланишига, миллий иқтисодиёт нафлиилиги чеклаётганларини тақиқлаш, уларнинг рўйхатни ЕИ, АҚШ ва Япониянинг уч томонлами келишувнинг келтирилганлари ҳисобига муҳокама қилиб, синаб, қайта кўриб чиқиб, кенгайтириш керак.</p> <p>Ҳукуматлар иқтисодий ва молиявий инқизорзлар ҳолатида қўлланиладиган манзилли, мутаносиб, шаффоф ва вақтингчалик иқтисодий рағбат турлари борасида тавсиялар билан таъминланиши керак. Масалан, пандемия контексида ҳаво йўллари, туризм ва меҳмонхона хизматларига тақдим этилган субсидиялар давом эттирилиши мумкин.</p> <p>Айниқса, ривожланаётган давлатларга зарар бўлган саноат субсидияларини ислоҳ қилишга бўлган ҳаракатларни чеклаш керак эмас.</p>	<p>Green box чоралари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватловчи ва камроқ фирмом савдо бўлиб, бунга рухсат берилган. Бундай субсидияларга тадқиқот дастурлари ва ишлаб чиқаришдан алоҳида бўлган бевосита тўловлар, баъзи ривожланаётган мамлакатлардаги айrim ривожланиш дастурлари киради.</p> <p>Нарх билан боғлиқ бўлган ва экспорт субсидиялари ривожланган (2015 й.) ва ривожланаётган (2018 й.) малакатларда ҳукумат даражасида бекор қилинган.</p>	<p>GATS келишувнинг субсидиялар хизматлар савдосига фирмом таъсири мавжудлиги қайд этилиб, 1995 йилдан қулай савдо режими ва келишувнинг айrim қоидалари муҳокамаси бошланганига қарамасдан, кам натижаларга эришилган.</p>

**Манба:** Industrial Policy and International Competition: Trade and Investment Perspectives, WEF 2022.

Европа Иттифоқининг давлат ёрдами қоидалари ЖСТ субсидия тартибидан кучлироқ тартибга солиш бўлиб, товар ва хизматлар субсидияларини умуман, ноқонуний, ҳаддан ортиқ кичкина ва имтиёзланган деб, нафақат давлат томонидан тасдиқланишини, балки бизнеслар ва аҳоли томонидан рухсат берилишини, ноқонуний ёрдамлар қайтарилишини назарда тутади. Еврокомиссия давлат ёрдами қоидаларининг самарадорлигини жорий энергия манбаи ва атроф-муҳит субсидияларига, стратегик муҳим технология ва қиймат занжирiga кўра баҳолайди ва унда бозор механизм камчиликларини бартараф этишни ифодайди.

Халқаро амалиётдаги сўнгги йиллардаги муҳокамалар ЖСТ қоидалари Хитой аниқ нормаларни қамраб, етарли бўлишини кўрсатсада, АҚШ, ЕИ ва Япониянинг уч томонлама ҳамкорлиги (хатолик ва протекционизм, 2017, ЖСТнинг саноат субсидияларига оид қисми, 2020) ва Еврокомиссиянинг ички бозорга зарар берувчи хорижий субсидияларни тартибга солиш тавсияси 2021 йил қабул қилинган.

Халқаро субсидияларни тартибга солишнинг фундаментал мураккаблиги "яхши ёки ёмон субсидия"ни фарқлаш ҳисобланади. COVID-19 пандемияси ва иқлим ўзгариши каби инқирозлар пайтида субсидияларни қайта муҳокама қилиш фаоллашмоқда. Чунки давлатларга бундай ҳолатларда чоралар кўриш ёки савдонинг шартларини тўғрилаш учун аниқ мезонларга асосланган мукаммал ёзилган истиснолар зарур.

Шунингдек, давлатлар иқтисодиётида рақобат муҳитини шакллантириш мақсадли чора-тадбирлар дастури воситасида ҳам кенг амалга оширилади. Хусусан, Европа Иттифоқи белгилаб олинган рақобатбардошлик мақсадларига эришиш учун "ақлли, барқарор ва инклузив иқтисодий ўсиш"ни мақсад қилган "Европа 2020" стратегиясини қабул қилди. Бунга кўра, Европа 2020 рақобатбардошлик индекси етти иқтисодий устундан ташкил топган, уч хил йўналишдаги тузилма: ақлли (тадбиркорлик муҳити, рақамли дастур, инновацион Европа, таълим ва ўқитиши), инклузив (мехнат бозори ва бандлик, ижтимоий инклузия), барқарор (атроф-муҳит барқарорлиги) иқтисодий ўсишдан иборат [14].

Маълумки, Европани 2010 йилгача рақобатбардош иқтисодга айлантиришнинг жиддий ҳаракати бўлган 2000 йилдаги Лисбон стратегияси кутилгандек натижа бермагач, яъни 2012 йилда юқорироқ кўшилган қиймат ва унумдорроқ фаолиятга ўтишга ёрдам

берадиган ақллироқ иқтисодиётни қуришда АҚШ, Япония ва Канададан ортда қолаётган эди. Масалан: Европадаги унумдорлик кўрсаткичи АҚШдагига қараганда 20 %га камроқ бўлган.

Бунда рақобатбардош иқтисодиёт деб, аҳолисини юқори ва ошиб борувчи яшаш даражаси ҳамда даромадли бандлик билан таъминлаш имконига эга бўлган мамлакат тушунилади. Бошқача айтганда, рақобатбардошлик ва унумдорлик даражасининг ошиши барқарор иқтисодий ривожланиш даражасини таъминловчи муҳим куч ҳисобланади.

Фикримизча, Ўзбекистон шароитида билим ва инновацияга асосланган ақлли Европа иқтисодиёти йўналиши долзарб ҳисобланиб, тадбиркорлик муҳити, рақамли иқтисодиёт дастури, инновацион Европа тажрибаси, таълим ва ўқитиши устунларига эътибор қаратиш зарур.

Иқтисодий ўсиш ва бандликни таъминлаш учун тадбиркорлик муҳитини яхшилашга самарали антимонопол сиёsat ва мос тартибга солиш воситасида рақобатни ривожлантириш орқали эришишни назарда тутади. Шунингдек, бунда бизнесни бошлашни осонлаштириш билан бизнес яратишни тезлаштириш, административ тўсиқларни, солиқдан қочиш ва солиқ юкини камайтириш, уларни арzonроқ ва бизнесни бошлаш учун енгилроқ қилиш, янги ва истиқболли бизнеслар учун капиталга эга бўлиш талаб қилинади.

Рақамли дастур иқтисодиётлар қайси даражада ахборот-коммуникация технологияларидан илмий янгиликларни тарқатиш ва саноат унумдорлигини оширишда фойдаланишини аниқлашни англатади. Чунки АҚТнинг иқтисодиётга кўшаётган ҳиссаси иқтисодиёт тармоқларига ёйилиши, бизнес амалиётлари ва иқтисодий фаолиятларни трансформация қилиш ва тижорат ўтказмалари учун самарали инфратузилма сифатидаги имкониятида кўринади.

Инновацион Европа инновациянинг олдинги қаторида бўлиш учун зарур тузилманни талаб қиласди. Мамлакатлардаги фирмалар илфор маҳсулотлар ва рақобат устунлигини тутиб турувчи жараёнларни лойиҳалashi ва ривожлантириши зарур бўлади. Хусусан, мазкур муҳит тадқиқот ва ишланмаларга аҳамиятли инвестицияларни, айниқса, хусусий сектордан юқори даражадаги илмий-тадқиқот институтларининг мавжудлигини, университетлар билан саноат орасида кенг ҳамкорликни ва замонавий бизнес амалиётларини талаб қиласди.

Сифатли таълим ва ўқитиши содда ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотлардан қиймат занжирига ўтишда жуда муҳим. Шунингдек, ишлаб чиқариш тизимининг талабларига тез мослашадиган яхши таълим олган ишчилар, иккинчи ва учинчи даражали таълим билан қамров, ишчилар маҳоратини доимий янгилаб борадиган малака ошириш ўқишлари муҳим ҳисобланади.

Ақлли иқтисодий ўсиш билим ва инновацияга асосланган ривожланишни, барқарор ўсиш эса ресурс самарадорлиги, яшил ва рақобатбардош иқтисодиётни, инклузив ўсиш ижтимоий ва ҳудудий бирдамликка элтувчи юқори бандлик иқтисодиётини тезлаштириши ифодалайди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг жорий босқичида ҳам рақобатбардош иқтисодиётни яратиш, рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қуидагилар:

- иқтисодиёт тармоқларига имтиёзларнинг тақдим этилиш самадорлиги, натижадорлигини ошириш учун хорижий тажриба асосида баҳолаш жараёнларини ишлаб чиқиши (иқтисодиёт тармоқларига тақдим этилган имтиёзларни бекор қилиш бўйича вазирликлараро комиссияни ташкил этиш);

- алоҳида имтиёзларни қўллашда зарур тартибда Комиссиянинг ижобий хулосасидан сўнг ҳукумат қарори билан белгиланиш тартибини жорий қилиш;

- олдин тақдим қилинган рақобат ривожланишига салбий таъсир қилаётган имтиёзли ҳуқуқларни кўриб чиқиши амалга ошириш талаб қилинган эди.

Ислоҳотлар натижасида рақобат муҳитини шакллантириш ва бизнес юритиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, инсофли рақобат тамойилларини таъминлаш каби қатор мақсадларни амалга ошириш учун имтиёзлар беришга, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда импорт қилинадиган товарлар рўйхатларини тасдиқлашга доир ҳукумат ва идоравий қарорларни қабул қилиш тақиқланди [15].

Барча тақдим этиладиган имтиёзларнинг ҳужжат лойиҳаси:

- мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, имтиёзлар ва преференцияларнинг алоҳида тармоқлар, фаолият соҳалари ва ҳудудларга таъсирини;

- берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг бюджет ва жамият учун самадорлигини;

- уларнинг рақобат муҳитига ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш нуқтайи назаридан кўриб чиқилиши белгиланди.

Мамлакатимиизда хўжалик юритиши субъектларига 7 турдаги: ҚҚС (умумий имтиёзнинг 93.5 %), жисмоний шахсларга даромад солиғи (1.6 %), фойда солиғи (1.6 %), ер солиғи (1.3 %), ижтимоий солиқ (1 %), мол-мулк солиғи (0.6 %) ва айланмадан солиқлар (0.3 %) бўйича имтиёзлар тақдим қилиш ҳисобига қуладай шароит яратилмоқда [16].

Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 кварталида 44183 та компания умумий миқдори 9 трлн. сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Имтиёзларнинг катта қисми тоғ-кон саноати, банк, транспорт, фармацевтика, коммунал, нефть-газ, энергетика, суғурта, медицина, қурилиш, рекреацион, спорт, ипакчилик, балиқчилик, чарм-пойабзал саноати ва бошқа соҳа корхоналарига тўғри келиши қайд этилмоқда.

Шунингдек, инклузив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш натижасида камбағалликни қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш мақсадида давлат активларини харид қилишда уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби татбиқ этилиши, 35 фоиз миқдоридаги дастлабки тўловни бир йўла амалга оширган харидорларга мазкур давлат активларини гаровга қўйиш ҳуқуқи берилиши белгиланди. Кўчмас мулкларни сотиб олишда хорижий инвесторларга республикада яшаш гувоҳномасига эга бўлиш тартиби енгиллаштирилди [17].

Бундан ташқари солиқ ва божхона соҳасидаги ўзгаришларда норезидент жисмоний шахсларнинг даромад (дивиденд, фоизлар, фрахтдан ташқари) солиғи 12 фоизгача камайтирилди. 2022 йилнинг 1 майидан бошлаб белгиланган имтиёзлар, хусусан, ипакчилик тармоғидаги бож тўловлари (бож расмийлаштириш тўловлари ва айрим товарлар учун ҚҚСдан ташқари), юридик шахслар учун ер солиғи ва мулк солиғи, балиқчилик тармоғида айланмадан олинадиган солиқ, чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоғида фойда солиғи, жисмоний шахслар учун мулк солиғи, айланма

солиғи ҳамда қызылмия ва бошқа доривор үсімліктерни ишлаб чиқариш ва қайта ишлеш тармоғыда ер, мулк, фойда ва айланмадан солиқлар, божхона тұловлари бүйічә имтиёзлар тармоқлардаги барча тадбиркорлық субъектлар учун татбиқ этилади.

Давлат активларини келгусида хусусий-лаштириш жараёни «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Иссиклик электр станциялари» АЖ, «Uzbekistan airways» АЖ, «UzAuto Motors» АЖ, «UzAuto Motors Powertrain» АЖ ҳамда «Samarqand Avtomobil zavodi» МЧЖнинг белгиланган улушларини савдога чиқариш, «Ўзбекидроэнерго» АЖ, «Ўзбектелеком» АҚ ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиши, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан халқаро кредит рейтингининг кўлга киритилиши ҳамда «Худудгазтаъминот» АЖ ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ фаолиятининг улгуржи харид қилиш ва сотиш функциясини хусусий операторга беришдан иборат бўлмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётіда рақобат муҳитини янада яхшилаш ва хусусий секторга бюрократик тўсиқларни қисқартириш мақсадида антимонопол қонунчиликка қуидаги ўзгартиришлар киритилди:

а) охирги календарь йилида товарлар (хизматлар)ни сотищдан тушган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваридан ошмайдиган юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд шахслар гурӯҳини товар ёки молия бозорларида устун мавқе эгаллаган деб эътироф этмаслик ҳамда уларга нисбатан монополияга қарши чораларни қўлламаслиқ;

б) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, рақобатга қарши ҳаракатларни содир этган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қуидагилар:

товар ва молия бозорида рақобатни чеклашга олиб келувчи келишувлар ва иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш;

товар ва молия бозоридаги устун (монопол) мавқени ҳамда юқори музокара устунлигини суиистеъмол қилганлик, ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар нархларини асоссиз оширганлик ва инсофсиз рақобат;

хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориша, қўшиб олишда ва устав фондидағи

акцияларни сотиб олишда рақобат тўғрисида-ги қонунчиликни бузганлик;

оммавий савдоларда рақобатга зид ҳаракатлар амалга оширганлик ва монополияга қарши талабларни бузганлик учун молиявий жарималар қўлланади;

в) давлат органлари томонидан хомашё, товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатла-ниши ва реализация қилинишини ноқонуний чеклаш, лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш вако-лати берилган орган томонидан рақобатни чеклайдиган қарорлар қабул қилиш, монополияга қарши орган талабига кўра, зарур ҳужжат ва ахборотларни тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайти-рилади;

г) назарда тутилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳукуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бар-тараф этиш.

**Хуоса ва таклифлар.** Мамлакатни кенг қамровли иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш мақсадида иқтисодиётда рақобатбардош ишлаб чиқариши рағбатлантириш, рақобат муҳитини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, барча тоифадаги хўжалик юритиши субъектларининг юқори нафлийка эришиш мақсадидаги рақобат устунликларига кўра ёки уларни ривожлантириш фаолияти учун миллий иқтисодиётда ягона макон ва тенг имконият, шароитларни шакллантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва инвести-циялар ҳажмини ошириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим чора-тадбирлари ҳисоблан-моқда.

Шунингдек, мамлакатлар иқтисодий амалиётида шаффофликнинг етишмаслиги ва савдо муносабатларининг мураккаблиги суб-сидияларнинг таъсирини аниқлаш ва ўлчашни қийинлаштириб, кераксиз ва заарали суб-сидияларни бекор қилиш ва узоқ муддатли даврда самарадорлик ва инновацияни яхшилаш учун аниқ ислоҳот дастурлари керак бўлмоқда. Бундай вазият мамлакатлардан маҳаллий ва хорижий бозорларга салбий таъсири ёйилаётган заарали субсидиялардан огоҳлантириш ва тартибини белгилаш учун ҳамкорликни ривожлантиришни талаб этади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Fritz Machlup, *Monopoly and Competition: A Classification of Market Positions.* / *The American Economic Review*, Vol. 27, No. 3 (Sep., 1937), pp. 445-451.
2. Paul J. McNulty, *A note on the history of perfect competition.* / *Journal of Political Economy*, Vol. 75, No. 4, Part 1 (Aug., 1967), pp. 395-399. / *The University of Chicago Press*.
3. Joseph A. Schumpeter, *Capitalism, Socialism and Democracy.* / London and New York, Taylor & Francis e-Library, 2003.
4. Jay B. Barney, *Types of Competition and the Theory of Strategy: Toward an Integrative Framework.* / *Academy of Management Review*, 1986, Vol. 11. No. 4. 791-800. University of California, Los Angeles.
5. Фридрих фон Хайек. Смысл конкуренции. // Современная конкуренция, № 3(15), 2009.
6. Shelby D. Hunt and Robert M. Morgan. *The comparatitve advantage theory of competition.* // *Journal of marketing* Vol. 59(April 1995), 3, 8, 9 pages.
7. Фатхутдинов Р.А. Концепция новой теории управления конкурентоспособностью и конкуренцией. // Современная конкуренция. № 2007 / 1 (1), стр. 75.
8. Oxford Reference // <https://www.oxfordreference.com/display/10.1093/oi/authority.20110803095629154>.
9. Усик Нина Ивановна. Формирование конкурентной среды и конкурентная политика. // Журнал «Теоретическая экономика» №4, 2012, Стр. 33-42.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июлда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги ЎРҚ-850-сонли Конуни.
11. Сираҗиддинов Н. Формирование конкурентной среды – важнейшее условие роста конкурентоспособности экономики. // Междунраодные отношения. Журнал № 4, 2018. Стр. 33.
12. *Industrial Policy and International Competition: Trade and Investment Perspectives.* // *World Economic Forum*, 2022. Page 5, 8, 10.
13. *Figure 1. Protectionist vs. liberalizing policy interventions.* // *Industrial Policy and International Competition: Trade and Investment Perspectives.* // *World Economic Forum*, 2022. Page 6.
14. “Europe 2020” Competitiveness Report Framework. // *The Europe 2020 Competitiveness Report: Building a More Competitive Europe.* The World Economic Forum, 2012.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарори.
16. Каким компаниям Узбекистана предоставлены самые большие налоговые льготы. <https://www.gazeta.uz/ru/economy/>
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик мухитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги наебатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сонли Фармони.